АССАЛОМУ АЛАЙКУМ, МУСТАҚИЛ ЎЗБЕКИСТОН!

Ўзбекистон овози

Ўзбекистон Коммунистик партияси Марказий Қўмитасининг бош нашри

РЎЗНОМА 1918 ЙИЛ 21 ИЮНДАН ЧИҚА БОШЛАГАН ● № 170 (21. 037) 1991 йил 1 сентябрь, якшанба ● Рўзнома йилига 256 марта чиқади. ● Баҳоси 8 тийин.

АХБОРОТ

ҮН ИККИНЧИ ЧАҚИРИҚ ЎЗБЕКИСТОН ОЛИЙ ҚЕНГАШИНИНГ НАВБАТДАН ТАШҚАРИ ОЛТИНЧИ СЕССИЯСИ

31 август куни Тошкентда Республика Олий Кенгашининг навбатдан ташқари сессияси бўлиб ўтди.

Сессияни Олий Кенгаш раиси Ш. М. Йўлдошев очди.

Депутатлар сессиянинг кун тартибини тасдиқладилар. Унга қуйидаги масалалар киритилди:

— Ўзбекистон Республикасининг давлат мустақиллиги тўғрисида;

— Ўзбекистон Республикасининг Давлат байроғи тўғрисида;

— Республика Президенти Фармонларини ва Олий Кенгаш Раёсатининг баъзи ҳужжатларини тасдиқлаш тўғрисида.

Ўзбекистон Республикасининг Давлат мустақиллиги тўғрисида Ўзбекистон ССР Президенти И. А. Каримов маъруза қилди.

Маърузани муҳокама қилишда халқ депутатлари С. Д. Сайдалиев, А. Орипов, С. Мадаминов (Муҳаммад Солиҳ), А. П. Хлебушкина, И. А. Гамбург, А. А. Аветисов, Д. Н. Шамшетов, Н. К. Холбўтаев, Ш. Жўраев, О. К-С. Адаманов, А. Исаев, О. Ж. Маматова, М. А. Эгамбердиев, С. Ғофуров қатнашдилар.

Депутатлар Олий Кенгашнинг республика Давлат мустақиллиги тўғрисидаги баёнотини қабул қилдилар. Тегишли қарорга мувофиқ Ўзбекистон ССРнинг номи Ўзбекистон Республикаси деб ўзгартирилди. Мустақиллик белгиланган кун — 1 сентябрь 1991 йилдан бошлаб байрам куни деб эълон қилинди, бу кун дам олиш куни ҳисобланади.

Олий Кенгаш моддама-модда муҳокамадан сўнг Ўзбекистон Республикасининг Давлат мустақиллиги тўғрисидаги Қонунни қабул қилди.

Сессия Ўзбекистон Президентининг Фармонларини ва Олий Кенгаш Раёсатининг баъзи ҳужжатларини тасдиқлади.

Олий Кенгаш Ўзбекистон Президентининг «Республика Мустақиллиги куни муносабати билан амнистия тўғрисида»ги Фармонини маъқуллади.

Сессияда Ўзбекистон Республикасининг Давлат байроғи тўғрисидаги масала кўриб чиқилди. Депутатлар таклиф этилган намуналарни манфаатдорлик билан ва ҳар томонлама муҳокама этганларидан сўнг конституциявий комиссиянинг мутахассислар гуруҳига ушбу йўналишдаги ишларни давом эттириш ва навбатдаги сессияга Ўзбекистон Республикаси Давлат байроғининг нусхаларини тайёрлаш вазифасини топшириш тўғрисида қарор қабул қилдилар.

Шу билан навбатдан ташқари олтинчи сессия ўз ишини тамомлади.

● Тошкент. 1991 йил 31 август. Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг навбатдан ташқари сессиясида. Минбарда жумҳуриятимиз Президенти И. А. Каримов.
Суратларни «Ўзбекистон овози» фотомухбири В. МОЛГАЧЕВ олган.

И. А. КАРИМОВ нутқи

Ҳурматли ўртоқлар! Юртдошларим!

19—21 август кунлари рўй берган давлат тўнтариши сабабли мамлакат даҳшатли ҳалокат гирдобига ғарқ бўладиган ҳолатга келиб қолди. Ўзларини СССРда фавқулодда ҳолат давлат комитети деб эълон қилган бир гуруҳ кимсалар миллионлаб одамларнинг бошига янгидан мисли кўрилмаган азоб-уқубатлар солмоқчи бўлдилар.

Бутун-бутун халқларнинг озодлигини, жумҳуриятлар мустақиллигини яна кишанламоқчи бўлдилар. Улар Иттифоқдаги оғир, мураккаб вазиятдан фойдаланиб, ўз нопок мақсадларига эришмоқчи бўлдилар.

Нега деганда, марказ бошқаруви мутлақо заифлашиб, парокандалик ва саросимада қолди. Мамлакатни идора қилишга қурби қолмади.

Жумҳуриятлар мустақил давлат бўлиб қолишга интилаётганлиги уларни қўрқитиб юборди. Ҳокимият қўлдан кетса, ўзларининг ҳеч кимга керак бўлмай қолишларини улар англаб қолди.

Хуллас, унитар, ўзбекча қилиб айтсак, марказлаштирилган, бутун ҳокимиятни, ҳукмронликнинг ҳаммасини ўзларининг, яъни марказ раҳбарларининг қўлида сақлаб қолишга ҳаракат қилдилар.

Бўлиб ўтган бу воқеалар халқ хўжалигига, одамларимиз ҳаётига катта зарба берди. Шуниз ҳам жар ёқасига келиб қолган мамлакат қанчалик алғов-далғов бўлиб кетганига Москвада ўтаётган сессиялар, улардаги тортишувлар ва можаролар яққол мисолдир.

Эришилган ғалаба авваломбор, бунга ҳаммамиз тан берамиз, энг катта ҳисса қўшган рус халқи, Россия ва унинг етакчиси Б. Н. Ельцин қўшган ҳисса туфайли бўлганини ҳаммамиз тўғри тушунамиз.

Давлат тўнтариши устидан қозонилган ғалаба айрим гуруҳларнинг бошини айлантириб қўйди. Айни вақтда ақл-идрок поймол қилинган умидларни тиклади. Лекин шу билан бирга мулоҳаза, ўзаро ҳурмат ўрнини яна қонунсизлик, буйруқбозлик, бошқаларни менсимаслик, баъзан эса очиқдан-очиқ фитна ва қатағон аломатлари эгаллаяпти. Мамлакатда ҳамма ҳукмронликнинг, энг муҳим давлат лавозимларининг фақатгина битта, энг катта жумҳурият қўлига берилаётганининг гувоҳи бўляпмиз.

Бундай ҳаракатлар ҳеч қачон яхшиликка олиб келмаган ва олиб келмайди ҳам.

Мамлакатда яна қарама-қаршилик кучаяди, тушунмовчиликлар, низо кўпаяди. Оқибатда яна халқ азоб чекади, тинчлигини йўқотади.

Ҳар қандай оғир шароитдан фақат ҳамжиҳатлик, муроса, бир-бирига ишонч ва бардош билан чиқиб олиш мумкин. Бу — менинг қатъий фикрим.

Мамлакатда бугун мавжуд бўлган кескин қарама-қаршилик вазияти бир кунда пайдо бўлгани йўқ.

Ново-Огоревода Иттифоқ шартномаси устида иш олиб борилаётган бир пайтда СССР Олий Кенгашининг раҳбарлари позицияси маълум бўлди.

Улар ҳар хил сиёсий ниқоблар остида давлатни, марказий бошқарувни эски ҳолича сақлаб қолишга, Иттифоқ шартномасини тайёрлаш ва имзолашда эса Иттифоқ Олий Кенгашига энг олий, яъни ҳал қилувчи ҳуқуқлар берилишига ҳаракат қилдилар.

Биз эса Иттифоқни фақат унинг таркибига кирувчи давлатларнинг тўлиқ мустақиллиги ва тенг ҳуқуқлилиги билан янгилаш мумкин деган фикрда қатъий турдик. Асосий келишмовчилик мана шундан иборат эди.

Жумҳуриятлар ўзлари хоҳлаган ваколатларни Иттифоққа эмас, балки Иттифоқ хоҳлаган ваколатларини жумҳуриятларга берармиш.

Иттифоқ органларини янгилашнинг бирмунча қониқарли йўлларини таклиф қилган 9 плюс 1 мурожаатига бўлган ҳужумларни эсланг. Ахир ўша пайтда бу таклифлар ўзаро келишувни таъминлайдиган тўғри йўл эди.

Менга Ҳиндистонда, тўнтаришдан бир кун олдин, мамлакатингизда ҳарбий тўнтариш бўлиши мумкинми, деб савол беришди. Ўшанда мен, бизда ўнгдан ҳам, сўлдан ҳам хавф ва дўқ-пўписа бор, деб жавоб қайтардим. Бизни қутқарадиган ягона чора — тезроқ мустақил давлатлар шартномасини имзолаш, дедим.

Консерваторлар, эскича фикрловчи кишилар ўз мақсадларига етолмагач, давлат тўнтаришидек мудҳиш йўлга ўтдилар. Бу қадам аввало Иттифоқ шартномаси имзоланишини барбод қилишга қаратилган эди. Бу — мамлакат халқларини яна сиёсий ва ижтимоий парокандаликка, тўқнашувларга рўбарў қилиш деган гап эди. Шунинг учун менга бу ҳақда Ҳиндистонда хабар беришганида, хаёлимга келган биринчи фикр: бу тўнтариш — умри қисқа, қаллоблик, авантюра деган фикр бўлди.

(Давоми иккинчи бетда).

Жумҳуриятимиз пойтахтида Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг навбатдан ташқари VI сессияси якунларига бағишлаб матбуот конференцияси бўлиб ўтди. Суратларда: матбуот конференциясида.
Р. ЖУМАНИЁЗОВ ва Р. НУРИДДИНОВ олган суратлар. (ЎзТАГ).

(Матбуот конференцияси ҳақидаги ҳисоботни иккинчи саҳифада ўқийсиз).

Абдулла ОРИПОВ, Ўзбекистон халқ шоири

АДОЛАТ ОФТОБИ

Адолатнинг ҳаётбахш шамоллари елдими,
Ҳақ ниҳоят халқимнинг арзин қабул қилдими,
Неча йиллар орзиқиб кутган кунлар келдими,
Елкамизга офтобнинг текканлиги рост бўлсин.
Ўзбекнинг ўз уруғин экканлиги рост бўлсин.

Ўтди қанча талатуп, ўтди қанча ғавғолар,
Ўтди қанча маломат, ғийбату кин, иғволар,
Оқартирди сочларни неча қора савдолар,
Елкамизга офтобнинг текканлиги рост бўлсин.
Ўзбекнинг ўз уруғин экканлиги рост бўлсин.

Сафга тизил набирам, отажоним, тур энди,
Мустақиллик нашъасин, ҳаққинг бордир, сур энди,
Қўлни бериб қўлларга, бир тан бўлиб юр энди,
Елкамизга офтобнинг текканлиги рост бўлсин.
Ўзбекнинг ўз уруғин экканлиги рост бўлсин.

Унутмагин ва лекин олдда бор ҳали ётлар,
Қадамингни пойлайди очкўз, юҳо не зотлар,
Шоҳ сурибсан, инжима, ғингшиса агар мотлар,
Елкамизга офтобнинг текканлиги рост бўлсин.
Ўзбекнинг ўз уруғин экканлиги рост бўлсин.

Ўз қўлингга олганинг — Ялов сенга муборак,
Юрагингда сўнмаган олов сенга муборак,
Ёндиролдинг қорларни — қалов сенга муборак,
Елкамизга офтобнинг текканлиги рост бўлсин.
Ўзбекнинг ўз уруғин экканлиги рост бўлсин.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ МУСТАҚИЛЛИГИ ЭЪЛОН ҚИЛИНИШИ МУНОСАБАТИ БИЛАН АМНИСТИЯ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикасининг мустақиллиги эълон қилиниши муносабати билан **қарор қиламан:**

1. Озодликдан маҳрум қилиш ва озодликдан маҳрум қилиш билан боғлиқ бўлмаган жазога ҳукм этилган қуйидаги шахслар жазони ўташдан озод қилинсин:

а) 60 ёшдан ошган эркаклар ва 55 ёшдан ошган аёллар;

б) I ва II гуруҳ ногиронлари;

в) вояга етмаган болалари бўлган ва ҳомиладор аёллар;

г) Улуғ Ватан уруши қатнашчилари ва уларга тенглаштирилган шахслар.

2. 5 йилгача муддатга озодликдан маҳрум қилишга ёки озодликдан маҳрум қилиш билан боғлиқ бўлмаган жазоға ҳукм этилган аёллар жазодан озод қилинсин.

3. 3 йилгача муддатга озодликдан маҳрум қилишга ёки озодликдан маҳрум қилиш билан боғлиқ бўлмаган жазога ҳукм этилган вояга етмаган ўсмирлар жазони ўташдан озод қилинсин.

4. Фармоннинг 1 ва 2-моддаларида кўрсатиб ўтилган шахслар сургун ва бадарға каби қўшимча жазолардан озод қилинсин.

5. Фармоннинг 1, 2 ва 3-моддалари таъсирига тушмаган шахсларга ва оғир бўлмаган жиноятлар учун ҳамда эҳтиётсизлик натижасида содир қилинган жиноятлар учун биринчи марта судланганларга ўталмаган жазо муддатининг ярми қисқартирилсин.

6. Терговда ва ҳали судда кўрилмаган қуйидаги барча ишлар:

а) ушбу Фармон кучга киргунга қадар Фармоннинг 1-моддасида кўзда тутилган шахслар томонидан содир қилинган жиноятлар ҳақидаги ишлар;

б) ушбу Фармон кучга киргунга қадар Фармоннинг 2-моддасида кўрсатилган шахслар томонидан содир этилган ва қонунда 5 йилгача муддатга озодликдан маҳрум қилиш ёки озодликдан маҳрум қилиш билан боғлиқ бўлмаган жазо белгиланиши кўрсатилган жиноятлар ҳақидаги ишлар;

в) ушбу Фармон кучга киргунга қадар Фармоннинг 3-моддасида кўзда тутилган шахслар томонидан содир этилган ва қонунда 3 йилгача муддатга озодликдан маҳрум қилиш ёки озодликдан маҳрум қилиш билан боғлиқ бўлмаган жазо белгиланиши кўрсатилган жиноятлар ҳақидаги ишлар ҳаракатдан тўхтатилсин.

7. Фармоннинг 1, 2, 3 ва 5-моддаларида кўрсатиб ўтилган қуйидаги шахсларга:

а) алоҳида хавфли давлат жиноятлари учун, шунингдек миллий ва ирқий тенг ҳуқуқлиликни бузганлик; давлат сирини ошкор қилганлик; бандитизм; ахлоқ тузатиш меҳнат колониялари фаолиятини издан чиқарувчи хатти-ҳаракатлар, контрабанда; оммавий тартибсизликлар; қалбаки пул ва қимматбаҳо қоғозларни ясаганлик ёки ўтказганлик; валюта операциялари қоидаларини бузганлик учун ҳукм қилинганларга;

б) алоҳида хавфли рецидивист деб танилганларга;

в) қасддан одам ўлдирганлик; қасддан оғир тан жароҳати етказганлик; милиция ходими ёки халқ дружиначисининг ҳаётига тажовуз қилганлик; айбни оғирлаштирадиган ҳолатларда номусга текканлик; давлат, кооператив ёки жамоат мулкини алоҳида йирик миқдорларда талон-торож қилганлик; давлат ва жамоат мулкини хонага ёки мулк сақланадиган жойга кириб ўғирлаганлик; уйга кириб ўғирлик қилганлик; айбни оғирлаштирадиган ҳолатларда талончилик; босқинчилик; айбни оғирлаштирадиган ҳолатларда таъмагирлик (рэкет); айбни оғирлаштирадиган ҳолатларда пора олганлик, пора берганлик, пора олиш ва беришда воситачилик қилганлик; ашаддий безорилик, ўта ашаддий безорилик учун, шунингдек Ўзбекистон ССР Жиноят кодексининг 209², 209³, 210¹-моддаларида; 213-моддасининг 1-қисмида ва 216², 216³, 216⁴, 216⁵-моддаларида кўзда тутилган жиноятларни содир этганлик учун жазога ҳукм қилинганларга;

г) қасддан содир этилган жиноятлар учун бир неча бор судланганларга ҳамда Фармон мазкур моддасининг «а» ва «в» бандларида кўрсатилган жиноятлар учун судланганларга;

д) аввал авф этиш ёки амнистия туфайли жазодан озод этилган ва яна қасддан жиноят содир қилганларга;

е) алкоголизм, гиёҳвандлик ёки таносил касаллигига қарши даволаш курсини тўлиқ ўтамаганларга;

ж) жазони ўташ даврида режимни ашаддий бузувчиларга нисбатан амнистия қўлланилмайди.

8. Ушбу Фармон эълон қилинган кундан бошлаб кучга киради, фақат Ўзбекистон ССР судлари томонидан судланган ва республика тергов органлари томонидан жиноий жавобгарликка тортилган шахсларга тадбиқ қилинади ва уч ой ичида ижро этилиши лозим.

Ўзбекистон Республикаси Президенти
И. КАРИМОВ.

Тошкент шаҳри,
1991 йил 31 август.

И. А. КАРИМОВ нутқи

(Давоми. Боши биринчи бетда).

Тўнтаришнинг дастлабки соатлари ва кунларидан Ўзбекистон ва унинг раҳбарияти ўз муносабатини қатъий маълум қилди:

Бизнинг ўз мақсадимиз ва ўз йўлимиз бор. Бу йўл халқларимиз манфатига мос йўлдир ва биз унга, нима бўлмасин, қатъий амал киламиз.

Шунга асосланиб, биз умумхалқ муҳокамасидан ўтган жумҳуриятимиз давлат мустақиллиги Декларацияси ҳамда конституциявий тузум принципларини чекинмай ҳимоя этиб келаяпмиз.

Жумҳурият Президентининг халққа мурожаатида айтилганидек, марказдан қандай кўрсатмалар келмасин, қандай ваъдалар берилмасин, қандай чақириқлар ва дўқ-пўписалар бўлмасин, ҳар қандай шароитда ҳам биз ўзлигимизни, виждонимизни йўқотмаймиз, белгиланган сиёсий йўлимиздан қайтмаймиз.

Биз ҳар қандай сиёсий ва ижтимоий кучлар ўртасидаги келишмовчиликларни батараф қилиш учун тинч вақтда куч ишлатишга ва, айниқса, қарбий куч ишлатишга тамомила қарши чиқдик.

Президент фармони билан жумҳурият ҳудудида фавқулодда ҳолат комитети деб аталган сохта комитетнинг қонунга, Конституцияга хилоф фармон ва қарорлари бекор қилинди.

Бизнинг муносабатимиз ҳалол ва очиқ-ойдин эди. Биз халқдан ҳеч нарсани яширганимиз йўқ.

Шу фурсатдан фойдаланиб ғирроларга учмагани учун, юртимизда тинчлик ва осойишталикни сақлаб қолгани учун, бизни қўллаб-қувватлагани учун халқимизга чексиз миннатдорчилик билдирамиз.

Яна бир масалага эътиборингизни қаратмоқчиман. Тўнтариш барбод бўлганлиги равшанлашгани сари, дастлабки дақиқалардан бошлаб кўплар ўзларини оқлашга, яна кўкракларига уриб, ўзларининг садоқатли эканликларини кўрсатишга киришдилар ва бу ҳол ҳозир ҳам давом этаяпти.

Бизнинг эса сиёсатимиз ўзгаргани йўқ. Ишончим комилки, бизнинг ҳеч ким олдида юзимиз қизармайди ва ҳеч кимга садоқатимизни исботлашга ҳожат йўқ.

Биз учун энг муҳими доимо халқ манфаатларига хизмат қилиш, диёримизда яшаётган барча одамларга яхши турмуш шароитларини яратишдир.

Юртимиз бой, имкониятларимиз катта. Халқимиз меҳнат қилишни яхши билади, қадимий анъаналар ва бой маданиятга эга. Бу ўлкада буюк мутафаккирлар вояга етган.

Мана шундай заминдаги халқ, ҳар бир оила, ҳар бир киши, миллатидан қатъи назар, бахтли яшашга ҳақлидир. Бу мақсадни амалга ошириш учун биз ҳамма нарсага тайёрмиз.

Бу мақсадга етишнинг асосий шарти — фуқаролар ҳамжиҳатлиги, миллий тотувлик, ҳаётнинг барча соҳаларида иқтисодий тадбиркорликка кенг эркинлик бериш билан бирга мустаҳкам тартиб-интизом ўрнатишдир.

Олий Кенгашимизнинг биринчи кунлариданоқ қабул қилган барча қонунлари, Ўзбекистон ССР Президентининг фармонлари ва ҳукуматимиз қарорлари ана шу мақсадга, республиканинг иқтисодий ва сиёсий жиҳатдан мустақил ривожланиш йўлига қаратилган. Мана шу Олий Кенгаш таркиби қабул қилган жумҳуриятнинг давлат мустақиллиги Декларацияси бунинг яққол далилидир.

Биз юқоридан бериладиган кўрсатмаларни, суверенитетимиз ва мустақиллигимиз янги Иттифоқ шартномаси билан қачон мустаҳкамланишини кутиб ўтирмасдан дарҳол бу мақсадни амалда рўёбга чиқара бошладик. Бу ютуқларимизни биздан ҳеч ким тортиб ололмайди.

Одамларнинг ижтимоий ҳимояланиш даражасини ошириш билан боғлиқ кўпгина вазифалар ҳал этилди. Уларнинг кўпчилиги тегишли қонунлар билан мустаҳкамланди, Президентнинг фармонларида ва ҳукумат қарорларида ўз ифодасини топди.

Гап ер участкалари ажратиб бериш, ўзининг ёрдамчи хўжалигини юритиш ва якка тартибда уй-жой қуриш учун одамларни барча зарур нарсалар — уруғлик ва кўчат, чорва мол ва паррандалар, қурилиш материаллари билан таъминлаш тўғрисида бораяпти.

Пенсиялар, ўқитувчиларнинг иш ҳақи, талабаларнинг стипендиялари оширилди. Бошланғич синфларнинг ўқувчилари учун бепул нонушталар, анемия, яъни кам қонлик касалига мубтало бўлган ҳомиладор аёллар учун имтиёзли овқатланиш жорий қилинди. Уруш қатнашчиларига, ўқитувчиларга ўзлари яшаб турган давлатга ва идораларга қарашли квартираларни шахсий мулк қилиб топшириш тўғрисида қарорлар қабул қилинди.

Бозор иқтисодиётининг таркибий қисмларини шакллантириш йўлида қўйилган дастлабки қадамлар амалда сезиларли бўлиб қолди. Республиканинг марказий иқтисодий идоралари ислоҳ қилиниш босқичида турибди. Бу идоралар ўз фаолиятида тақсимлаш принципларидан кўпроқ воз кечмоқдалар, марказнинг ҳукмидан халос бўлмоқдалар ва мулкчилик шаклларидан, кимга бўйсунишидан қатъи назар, республикада жойлашган барча корхоналар ва ташкилотларнинг ишини мувофиқлаштиришга тобора кўпроқ эътибор бермоқдалар.

Молия-кредит соҳасида чуқур ўзгаришлар рўй берди. Иш билан таъминлаш муассасалари принципиал янгича асосда қайта ташкил этилмоқда. Кичик корхоналарни хусусийлаштириш соҳасида ҳам сезиларли силжишлар бўлди. Савдо, матлубот кооперацияси, маиший хизмат, маҳаллий саноат соҳасида ҳозирдаёқ бошқа мулкчилик шакллари билан баб-баравар хусусий корхоналар ҳам ишлаб турибди. Кооперативлар ҳамда қўшма корхоналар кўпайди ва кенгайди.

Бизнинг ташқи иқтисодий фаолиятимиз сезиларли равишда ривожланаяпти. Бунинг учун қулай ҳуқуқий негизни яратувчи қонунлар қабул қилинди. Ишбилармонларнинг Тошкентдаги учрашуви ташқи бозордаги ишларни кучайтиришга, чет эл компаниялари, фирмалари ва банклари билан тўғридан-тўғри, ўзаро фойдали алоқаларни ўрнатишга туртки бўлиб хизмат қилди.

Учрашувда чет эллардаги кўпгина ватандошларимиз ҳам ҳозир бўлдилар, уларнинг кўпчилиги биринчи марта она юртига кела олди. Улар бизни қўллаб-қувватлашларини ва ҳар қандай ёрдам беришга тайёр эканликларини билдиришди. Тошкент учрашуви кўпгина чет эллик сармоядорлар учун Ўзбекистон истиқболли ва ишончли шерик эканлигини намоён қилди. Учрашув давомида ва ундан кейин имзоланган шартнома ва битимлар республиканинг ташқи иқтисодий имкониятлари катталигини, чет эллик шериклар билан барқарор алоқаларни йўлга қўйишдан ҳаманинг ўзаро манфаатдорлигини кўрсатди.

Ўзбекистон ҳукумат делегациясининг Ҳиндистонга биринчи мустақил, расмий ташрифи ҳам танлаган йўлимиз тўғри эканлигининг яққол далилидир.

Ҳурматли депутатлар! Ташриф давомида бу буюк қўшни давлат раҳбарияти билан имзоланган ҳужжатлар асосида мен шуни ишонч билан айта оламанки, бу тарихий битимлар биз учун жуда катта аҳамиятга эга бўлади.

Биз буларнинг ҳаммасини мустақил равишда ҳал этиб, етилган масалаларни ечишда Иттифоқ идораларидан сезиларли равишда олдин боряпмиз. Бу хусусда марказдагиларнинг бирортаси ҳам бизни олқишлаб қабул қилаётгани йўқ. Аксинча, гўё бу — Ўзбекистон Президентининг ўзбошимчалиги деб ҳисоблашди. Буларнинг ҳаммаси Иттифоқ кўрсатмаларига мувофиқ келмайди ёки уларга зид эмиш. Гўё буларнинг ҳаммаси вақти келиб тугатилар эмиш.

Бунга ажабланмаса ҳам бўлади. Марказ ўтказиб келган сиёсат республиканинг ривожланишига, аввало, унинг мустақиллигига, миллий тикланишига зиён етказди, холос. Бу сиёсат республикага хом ашё базаси ролини ажратиб қўйган бўлиб, чор Россиясининг сиёсатидан деярли фарқ қилмасди.

Иттифоқнинг барча бошқарув идоралари мана шуни асосий ўринга қўйишган эди. Улар фақат битта нарсани билишарди. — Бу минтақа пахта, хом ашё билан таъминланиши лозим, қолгани эса ночор халқнинг ўзига ҳавола эди. Бизга кўп нарса ваъда қилишганди. Мамлакатнинг пахта мустақиллиги йўлида республика кўп қурбонлар берди. Халқимиз тақдири гўшт, сут ва ҳаёт учун энг зарур бўлган бошқа маҳсулотларнинг фақат четдан олиб келинишига боғлиқ қилиб қўйилди.

Мана шуларни очиқ айтиш пайти келди, акс ҳолда биз халқни ишонтира олмаймиз. Шуни рўй-рост айтиш керакки, бундай сиёсат Ўзбекистонни ҳалокат ёқасига, қашшоқ, ночор аҳволга олиб келди. Бюджетда эса молиявий қарамликка олиб келиб қўйди. Сарф-харажатларимизнинг етишмаётган қисмини қоплаш учун марказ бироз қўшимча пул — садақа беради, деган умид билан яшашга бизни мажбур қилдилар, ҳар бир арзимаган нарса учун биз марказга бўйин эгиб борар эдик.

Бу вақт ичида бизга ким дўсту ким душман, ким бизга яхшилик, тинчлик, хотиржамлик тилайдию кимнинг қўйнида тоши борлигини ҳам аниқ билиб олдик.

Биз юртимизни чин юракдан севиб, унга кўнгил қўйганларни ҳам ва аксинча бизнинг тарихимизни, тилимизни, урф-одатларимизни, улуғ маданиятимизни ҳеч қачон билмаган ва билишни истамайдиганларни ҳам тушуниб етдик.

Сиёсий, иқтисодий ва маънавий эркинликка эришиш, жумҳуриятимизнинг озодлиги ва мустақиллиги йўлида гуноҳсиз жабр тортган авлодларимиз, одамларимиз шанини, номини, ор-номусини тиклаш борасида сўнгги йилларда қилинган ишларни халқимиз қўллаб-қувватлади. Аҳолининг барча табақалари вакиллари бундан руҳланди, халқнинг сиёсий ва маънавий онги юксалди, хуллас, одамларнинг қадди ростланди.

Буларнинг ҳаммасига халқимиз не азоблар билан, ўзининг бутун тарихи ва мисли кўрилмаган меҳнати билан эришди. Шунинг учун биз бу йўлдан қайтмаймиз. Бу — бизнинг халқимиз, унинг келажаги олдидаги бурчимиз, жавобгарлигимиздир.

Ўртоқлар! Бугун халқимизга шу нарса аниқки, ўз олдимизга қўйган мақсад ва вазифаларга эришишнинг ягона йўли бор. У ҳам бўлса — жумҳуриятнинг мустақиллигига эришишдир.

Мамлакат катта фалокат ёқасига, жар ёқасига келиб қолганини кўриб турибмиз. Халқ ўзининг эртанги кунига ишончини кундан-кунга йўқотаяпти. Одамлар ўзларининг, оиласининг, бола-чақасининг тинчлигига кафолат истайди. Тўкис, хотиржам ҳаёт талаб қилаяпти. Бу истаклар, бу талаблар сафсатабозлик ва ваъдабозликлар остида кўмилиб кетаяпти.

Бизнинг халқимиз сабр-бардош, яхшилик, осойишталик, бошқа халқларга нисбатан хайрихоҳлик руҳида тарбияланган. Бу халқ бугун биздан ҳимоя талаб қилаяпти, тинч-тотув ҳаёт, оғир меҳнатига яраша турмуш шароитлари талаб қилаяпти. Бу — ҳаққоний талабдир.

Хабарингиз бор. биз сўнгги пайтда Иттифоқ шартномасини имзолашни тезлаштириш тарафдори бўлиб келдик. Агар бу Иттифоқнинг конфедерация асосида ҳақиқатан ҳам тенг, мустақил давлатлар Иттифоқи бўлишига ишонч бўлганда, биз бугунги кунда ҳам бу фикримиздан қайтмас эдик.

Аммо, яна қайтариб айтаман, вазият жуда тез ўзгариб бормоқда.

Мен бугун мазкур сессия иштирокчиларигагина эмас, бутун халқимизга ҳам мурожаат қилиб айтмоқчиман:

Ўзбекистон раҳбарияти ҳеч қачон, қандай Иттифоқ бўлмасин, ким билан Иттифоқ бўлмасин, қандай шароит бўлмасин иккинчи даражали ролга рози бўлмайди, бунга йўл ҳам қўймайди.. Тенглар ичида тенг бўлиш — халқимизнинг асрий орзусидир.

Шунинг учун биз ўз мустақиллигимизни янада мустаҳкамлаш йўлида янги қадамлар қўйишимиз шарт. Ўзбекистон давлат мустақиллиги Декларацияси қабул қилиниши қаторида Ўзбекистон Ички ишлар вазирлиги, Давлат хавфсизлиги комитетининг жумҳурият қарамоғига ўтиши, СССР Ички ишлар вазирлигининг жумҳуриятдаги қўшинлари жумҳурият Президентига бўйсундирилиши, ҳуқуқ-тартибот органларида, Ички ишлар вазирлигининг ҳамда Ўзбекистон ҳарбий округининг Ўзбекистонда жойлашган қўшинларида партия ташкилотларининг тугатилиши ана шундай биринчи қадамлардир.

Биз билан самимий дўстлик алоқаларини, тенг ва ўзаро фойдали ҳамкорликни ўрнатмоқчи бўлган барча кишилар бу тадбирларимизни тўғри тушунишларини хоҳлайман.

Бу — мамлакатимиздаги бошқа халқлар билан алоқаларни мутлақо узиш деган гап эмас. Хусусан, бир-бирига пайванд бўлиб кетган халқлар яшайдиган Ўрта Осиё шароитида буни тасаввур ҳам қилиб бўлмайди. Ўзбекистоннинг Қозоғистон, Туркманистон, Тожикистон, Қирғизистон халқлари билан минг йиллик муштарак тарихи ва маданияти, қавм-қариндошлиги, умумий орзу-умидлари бор. Уларни ҳеч қандай куч бир-биридан ажратолмайди.

Биз бу алоқаларни, бу ҳамкорликни бундан кейин ҳам мустақил давлатлар ҳамкорлиги сифатида ривожлантирмоқчимиз. Беш жумҳурият раҳбарларининг Тошкентда бўлиб ўтган учрашувида қабул қилинган қарорларни оғишмай амалга оширамиз. Минтақада яшовчи барча халқларнинг ҳаётига ва тинч-тотувлигига таъсир қилувчи мураккаб экологик, иқтисодий, ижтимоий муаммоларни фақат биргаликда ҳал эта олишимизга ишончимиз комил.

Биз Иттифоқ шартномасини имзолаш ғоясини батамом рад этаётганимиз йўқ. Аммо бу шартномага жиддий ўзгартишлар киритиш зарур.

Бўлажак Иттифоқ мустақил давлатларнинг конфедерацияси, эркин Иттифоқ сифатида шакллanмоғи керак. Бу давлатлар ягона иқтисодий ҳудудга эга бўлиб, ҳарбий, сиёсий, тинчлик, ижтимоий тараққиёт, ядро ҳалокатидан сақланиш учун курашда ўзларининг ташқи сиёсатдаги фаолиятларини ҳам бирлаштиришлари лозим.

Аммо шу билан бирга улар эркин, мустақил ва тенг ҳуқуқли давлатлар бўлиб қолишлари, ўзларининг миллий давлат тузилиши, ташқи бозорга чиқиш, ўзи маъқул топган барча мамлакатлар билан халқаро муносабат ўрнатиш, дипломатик ва консуллик алоқалари масалаларини мустақил ҳал этишлари керак. Яна таъкидлаб айтаман, бу иш ҳеч кимнинг буйруғисиз ва аралашувисиз мустақил амалга оширилиши керак!

Мана шу шароитга, сабабларга асосланиб, халқимиз хоҳиш-иродасини бажо келтириб Олий Кенгаш диққатига фақат бир масалани қўймоқчиман: Ўзбекистоннинг мустақиллиги ҳақидаги Қонунни муҳокама этиш ва уни қабул қилишни таклиф этаман.

Бу Қонунда қадимий ва янгиланаётган диёримизда истиқомат қилаётган барча кишиларнинг хоҳиш-иродаси ўз ифодасини топган. Халқимизнинг бу эзгу хоҳиш-иродаси биз учун муқаддасдир.

Сўзимнинг охирида Ўзбекистоннинг мустақиллиги эълон қилиниши муносабати билан унинг ҳудудида яшовчи бирон-бир фуқаронинг миллатига қараб камситилишига йўл қўйилмаслигини яна бир карра ишонтириб айтишни ўзимнинг Президентлик бурчим деб биламан.

Жумҳуриятимизда истиқомат қилувчи барча миллат вакилларининг конституциявий ҳуқуқларини муҳофаза этиш, уларнинг маданияти, миллий урф-одатлари ривожланишига, она тилида сўзлашиши ва ўқишига барча шароитларни яратиш учун бор имкониятлар ишга солинади.

Мустақил Ўзбекистоннинг сиёсати — инсонийлик ва эзгулик қонунларига асосланади ҳамда фуқаролар осойишталиги ва миллий муроса сиёсати бўлиб қолади.

Мен шу бугундан эътиборан Биринчи сентябрни жумҳуриятимизда Мустақиллик куни, Умумхалқ байрами деб эълон қилишни таклиф этаман.

Бу байрам, сизга, халқимизга муборак бўлсин, азиз юртдошларим!

Бу байрам абадул-абад бўлсин!

ЖУРНАЛИСТЛАР БИЛАН УЧРАШУВ

31 август куни Ўзбекистон Президенти И. А. Каримов журналистлар билан суҳбатлашди. Ўзбекистон Олий Кенгашининг Ўзбекистон Республикасининг Мустақиллиги тўғрисида Қонун қабул қилган олтинчи сессияси якунланиши биланоқ ўтказилган бу учрашувда оммавий ахборот воситаларининг раҳбарлари, рўзномалар ва ойномаларнинг қаламкашлари, радио ва телевидение ходимлари, Иттифоқ нашрларининг Ўзбекистондаги мухбирлари, «Вашингтон пост» газетасининг мухбири Жим Руперт қатнашди.

Ўзбекистон меҳнаткашлари тарихига 1991 йилнинг 31 август куни шонли саҳифа бўлиб киради. Бундан буён республикамиз сиёсий ва иқтисодий жиҳатдан батамом мустақилдир. Эндиликда у қардош республикалар билан ҳам, чет эл давлатлари билан ҳам тенг ҳуқуқли давлат сифатида алоқалар боғлайди, деб таъкидланди журналистлар билан учрашувда.

Жумҳурият Президенти Иттифоқ шартномасига имзо чекиш ва республиканинг мустақиллиги ҳақидаги Қонуннинг қабул қилиниши тўғрисидаги саволга жавоб қайтариб, биз Олий Кенгаш қабул қилган мазкур Қонунга асосланиб иш юритамиз ва Иттифоқ шартномасига қўл қўйишда ушбу Қонунга асосланамиз, деб уқтирди. Барча республикалар билан муносабатларимиз фақат тенглик негизида бўлади. Ҳеч кимнинг зуғум ўтказишига, ўз ҳукмини юритишига йўл қўйилмайди, деб айтилди анжуманда.

Президент «Вашингтон пост» мухбирининг Россия билан Ўзбекистон ўртасидаги муносабатлар бундан кейин қандай кечади, деган саволига жавоб қайтарар экан, биз Борис Ельциннинг, Россия парламентининг фитначиларни махв этишда матонат кўрсатганлигини, бунда улар тарихий вазифани адо этганлигини эътироф қиламиз, деди. Айни вақтда бошқа қардош жумҳуриятлар сингари Россия билан муносабатларимиз ҳам тенг ҳуқуқлик пойдеворига қурилмоғи керак.

Марказий газета мухбирларидан бири мустақил Ўзбекистонда рус тилида сўзлашувчи аҳолининг ҳуқуқлари қай тариқа ҳимоя қилинади, деб берган саволига Президент: миллати, диний эътиқоди ва ирқидан қатъи назар, Ўзбекистонда яшовчи ҳар бир кишининг ҳуқуқлари тўла муҳофаза этилади, инсон ҳуқуқлари тўғрисидаги Декларацияга қатъий риоя қилинади, деб яна бир карра таъкидлади. Биз 21 миллион нафар Ўзбекистон аҳлининг тинч, осойишта яшаши учун барча ишларни қиламиз. Халқнинг озиқ-овқат таъминотини яхшилаш ҳаракатида бўламиз.

Анжуманда Иттифоқ корхоналари фаолияти билан боғлиқ саволлар ҳам берилди. Бу корхоналар эндиликда республика ихтиёрига ўтди. Бундай завод ва фабрикаларда яратилаётган моддий бойлик бундан буён халқимизнинг фаровонлиги учун хизмат қилади.

Ўзбекистон ўзининг пулини чиқарадими, деб савол берилганида жавоб бундай бўлди: Болтиқбўйи жумҳуриятларида, Украинада, бошқа бир қанча республикаларда ўз миллий валютасини чиқаришга ҳаракатлар бўлиб турибди. Агар Иттифоқ органлари Ўзбекистонни бундан ҳам танг аҳволга солиб қўйишадиган бўлса, жумҳурият пулини чиқариш масаласи кун тартибига қўйилиши мумкин.

Учрашувда Ўзбекистоннинг олтин конларини республика манфаатини кўзлаб тасарруф этиш хусусида бир неча саволлар берилди. Президент уларга жавоб беррар экан, Олмалиқ конметаллургия комбинатида тайёрланаётган олтин ва кумуш республика ихтиёрига олинаётганлигини айтди. Агар марказий ҳукумат олтин бойликлари хусусида бизнинг раъйимизга юрмайдиган бўлса, Зарафшон комбинати олтинларини жумҳурият халқи тасарруфига олиш ҳақидаги масала ҳам қалқиб чиқади, албатта. Бу бугун Ўзбекистон Олий Кенгашининг сессиясида қабул қилинган мустақиллик тўғрисидаги Қонуннинг ер ости бойликларини қазиб олиш, қайта ишлаш ва сақлаш республика ихтиёридадир, деган бандига ҳам айнан мос келади.

Ўзбекистон Компартиясининг истиқболи хусусидаги саволга жавоб қуйидагича бўлди. Компартия XXII съезди иккинчи босқичининг жами ҳужжатларида халқимизнинг тарихи, унинг урф-одатлари ва анъаналари, маҳаллий шароитлар, халқнинг туб манфаатларига мос бўлиб тушадиган мустақил сиёсий йўлимиз тўла-тўкис ўз ифодасини топди. Бу аввало Ўзбекистон Компартияси дастурида, унинг Уставида акс этди. Ўзбек халқининг фаровонлиги, миллатидан, диний эътиқодидан ва мавқеидан қатъи назар, республика ҳудудида яшаётган барча кишиларнинг фаровонлиги шундай олий мақсаддирки, бу йўлда биз ҳар қанча жон қуйдиришга тайёрмиз. Фуқароларнинг осойишталиги, миллий тотувлик, тадбиркорликнинг тўла иқтисодий эркинлиги шароитида республика турмушининг барча соҳаларида қатъий интизом ва тартиб бу мақсадга эришишнинг асосий йўлидир. Бизнинг олий мақсадимизни рўёбга чиқаришга бел боғлаган бошқа партиялар ва харакатлар билан ҳам ҳамкорлик қилишимиз мумкин.

Журналистлар билан учрашувда қаламкашларнинг бошқа кўпдан-кўп саволларига ҳам батафсил жавоб берилди. (ЎзТАГ).

УМУМХАЛҚ БАЙРАМИ МУБОРАК

ОЙБЕК

Бир ўлкаки, тупроғида олтин гуллайди,
Бир ўлкаки, қишларида шивирлар баҳор.
Бир ўлкаки, сал кўрмаса қуёш соғинар...
Бир ўлкаки, ғайратидан асаби чақнар,
Бахт тошини чақиб, бунда куч гувиллайди.

Ҳамид ОЛИМЖОН

Ботирлари канал қазади,
Шоирлари ғазал ёзади,
Куйчилари ўқийди ялла,
Жувонлари айтади алла,
Пазандаси ёпади ширмон,
Қарилари кутади меҳмон,
Бу шундайин ажиб диёрдир.

МИРТЕМИР

Не-не мўл хазина ҳукми қўлингда,
Қутлуғ йил қўшғи боғу чўлингда.
Олтининг, ипагинг ўнгу сўлингда.
Не-не эллар шайдо сенинг йўлингда.
Мевасан, шаробсан, сувсан ва нонсан,
Меҳри қўшдарё, баҳри уммонсан,
Ўзбекистонсан.

Ўзбекистон Олий Кенгашининг навбатдан ташқари VI сессияси

ИНТИЗОР ҚАЛБЛАР НИДОСИ

СЕССИЯ МАЖЛИСЛАР ЗАЛИДАН РЕПОРТАЖ

Жумҳурият Президенти Маҳкамасининг мажлислар зали жуда кўп муҳим воқеаларнинг гувоҳи. Ўзбекистон Компартиясининг мустақил Ҳаракат дастури ва Устави худди шу ерда қабул қилинган. Ўзбекистон давлат мустақиллиги тўғрисидаги баёнот шу бино гумбазлари остида жаранглади. Кеча республиканинг ўн иккинчи чақириқ Олий Кенгашида жонажон жумҳуриятимизнинг давлат мустақиллиги масаласи муҳокама қилинди.

Республиканинг турли шаҳар ва қишлоқларидан келган нойибларнинг чеҳраларида қувонч, кўзлари бамисоли баҳор чақмоғи янглиғ чарақлайди.

Жумҳуриятимиз учун оламшумул аҳамиятга эга бўлган воқеа юз берди, Ўзбекистон мустақил давлат деб қонунлаштирилди.

Танаффус пайтида биз суҳбатлашган депутатлар ҳозиргина ўзлари гувоҳ бўлган қувончли воқеа қалбларида туғдирган туғёнларини яширишмади.



Тошкентдаги «Подёмник» ишлаб чиқариш бирлашмасининг ишчиси, 51-сайлов округидан депутат Ботир **Қосимов.** — Яширмайман, мустақиллик ҳақида гап-сўз жуда кўп эди-ку, ишнинг амалиёти қисмига келганда силжиш йўқ эди. Ниҳоят республикамиз олий давлат ҳокимияти жуда муҳим қонун, давлат мустақиллиги тўғрисида ҳужжатни қабул қилди. Энди мана шу ҳар биримизга қувонч ва ифтихор туйғуларини олиб келган қарорни амалда қўллаб-қувватлашимиз зарур. Муаммолар кўп, жумладан, миллий ишчи кадрлар масаласини олиб қарайлик. Мен ишлаётган бирлашмада маҳаллий кадрлар 10 фоизга ҳам етмайди... Хуллас, ишлаш керак.

Сессия бугун қабул қилган қарор ҳаммамизда келажакка умидворлик туйғуларини уйғотади. Менинг ҳам оилам, бир ўғлим бор. Уларнинг эртанги кунидан ташвишларим анча ариди.

●

Қорақалпоғистон жумҳурияти Тўрткўл район партия қўмитасининг биринчи котиби, район Кенгашининг раиси 488-сайлов округидан депутат Ғани Нуриддинович **Ҳожиев:** — Бугунги порлоқ кунга қадамлар бундан икки йил олдин қўйила бошлаган. Ҳар бир республика ўз масалаларини ўзи эркин ҳал қила олиши тўғрисидаги фикр-мулоҳаза бизни жуда қийнаб келаётган эди. Республика коммунистларининг XXII съездида бу дард яққолроқ юзага чиққан эди. Ўшанда биз республика партия ташкилоти мустақил Ҳаракат дастури ва Уставига эга бўлиш учун қўл кўтарганмиз. Бугунги қарор ўша кескин бурилишнинг мантиқий давоми бўлди.

Энди айтайлик, ниятга ҳам эришдик, чинакам мустақиллик эълон қилдик. Бундан буён биз хом ашё етказиб беруvчи ўлкадан ўз хом ашёмизни тайёр маҳсулотга айлантириб қўшниларимиз ва олис юртларга бемалол сота оладиган жумҳурият бўлишимиз керак. Районимиздаги Димитров номли жамоа хўжалигида яқинда салкам 400 ишчи ўринли тикувчилик фабрикасини қуриб битказдик. Икки-уч йилдан кейин бу корхона янада кенгайиб йилига 50—60 миллион сўмлик маҳсулот берадиган бўлади. 67 та фермер хўжалиги ташкил қилинган. Бу гўшт ва сут маҳсулотларини арзонроқ бўлишига имкон беради. Режалар кўп...

●

Бухоро вилояти, Ромитан район марказий касалхонаси жарроҳлик бўлимининг мудири 197-сайлов округидан депутат Ғани Ғафурович **Аслонов:** — Бу масала жуда қулай пайтда муҳокамага қўйилди ва ҳаммамиз кутганимиздек ижобий ҳал қилинди. Чунки олдинроқ биз эълон қилган Мустақиллик Декларацияси фақатгина орзу-истак бўлиб қолган эди, холос. Масалан, Бухоро тупроғидан олинган олтиннинг ўнми, билмадим ўн бешми фоизи вилоятда қолади, деган гап-сўзлар пайдо бўлдию, буни биров аниқ сезгани ҳам йўқ. Ўйлайманки, бугунги қарордан кейин бир бу эмас, бошқа кўпгина вазифалар ҳал бўлиб кетади. Сайлаб қўйилган ижро органлари раҳбарлари, биз халқ депутатлари ҳам қўлни-қўлга бериб жипслашиб ҳаракат қилишимиз зарур.

●

Ғаллаорол паррандачилик фабрикасининг ишчиси, 367-сайлов округидан депутат Сайёра Яҳёвна **Бобомуродова:** — Ҳаммамизнинг хурсандчилигимизни кўриб турибсиз. Шодлигим ичимга сиғмайди. Бироқ кўнглимнинг аллақаерида сайловчиларим менга ишониб берган айрим наказларни бажаролмаётганимдан ранж ётибди. Осма кўприк йўқлигидан одамлар ҳалок бўлишяпти. Шу қурилишга пудратчи топилмаяпти, маблағ ҳам. 75 та мактабнинг 14 тасигина талабга жавоб беради. Қолгани яроқсиз ҳолатда... Районимиз ҳудудидаги Маржонбулоқ олтин кони йилига ўнлаб миллион сўмлик маҳсулотни чиқариб марказга юборадию, мен айтган муаммоларни ҳал қилишга ҳеч бир ёрдам бермайди. Аксинча, атроф-муҳитни булғатишяпти. холос. Мана энди қонун қабул қилдик. Бундай адолатсиз тартибларга барҳам бериш ҳаммамизнинг вазифамиздир.

Бундан буён Ўзбекистон мустақил давлат сифатида жаҳонга ўзини баралла танитади. Жумҳуриятимизга эркинлик ва озодлик нашидаси, халқимизга самара келтирувчи меҳнат ва кураш сира сўнмасин.

А. АБДУБАННОПОВ,
«Ўзбекистон овози»нинг махсус мухбири.

ПЛЕНУМЛАР БЎЛДИ

Сурхондарё вилоят партия комитети билан вилоят партия ташкилоти назорат комиссиясининг қўшма пленуми бўлди. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети ва Марказий назорат комиссиясининг навбатдан ташқари қўшма пленуми якунлари муҳокама қилинди. Сурхондарё вилоят партия комитетининг биринчи котиби, халқ депутатлари вилоят кенгашининг раиси Х. Э. Бердиев маъруза қилди.

Сурхондарё вилоят партия ташкилотининг XXIII конференциясини чақириш тўғрисидаги масала кўриб чиқилди. Уни 10 сентябрда ўтказишга қарор қилинди.

* * *

ГУЛИСТОН. Ўзбекистон Компартияси Сирдарё вилоят комитети ва вилоят партия ташкилоти назорат комиссиясининг қўшма пленуми Ўзбекистон Компартиясининг фавқулодда XXIII съездига тайёргарлик тўғрисидаги масалани муҳокама қилди. Вилоят комитетининг биринчи котиби А. Айдарқулов маъруза қилди.

Қабул қилинган қарорда вилоят партия ташкилотининг навбатдан ташқари XIV конференциясини шу йил 9 сентябрь куни чақириш кўзда тутилган. Конференцияда Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети ва Марказий назорат комиссияси қўшма пленумининг якунлари, вилоят партия ташкилотининг вазифалари муҳокама қилинади. Шунингдек Ўзбекистон Компартияси фавқулодда XXIII съездига делегатлар сайлаш тўғрисидаги масала ҳал этилади.

* * *

НАМАНГАН. Ўзбекистон Компартияси Наманган вилоят комитети ва вилоят партия ташкилоти назорат комиссиясининг қўшма пленуми навбатдан ташқари вилоят партия конференциясини чақириш муддати ва кун тартиби, вилоят конференциясига ҳамда Ўзбекистон Компартиясининг фавқулодда XXIII съездига делегатлар сайлаш тартиби муҳокама қилинди. Вилоят партия комитетининг биринчи котиби Б. Ж. Ҳакимов маъруза қилди.

Пленум Наманган вилоят партия ташкилоти XIX конференциясини 1991 йил 9 сентябрь куни чақиришга қарор қилди.

(ЎзТАГ).

ИЛМ-ФАН УФҚЛАРИ ОЧИЛДИ

● Бу кун — Ўзбекистон халқлари ҳаётида тарихий воқеадир. Минг йиллик тарихга ва бой маданиятга эга бўлган, жаҳон фани хазинасига улкан ҳисса қўшган ўзбек халқи илк бор давлат мустақиллигини қўлга киритди. У давлатларнинг жаҳон ҳамжамиятининг тенг ҳуқуқли аъзоси сифатида бошқа жумҳуриятлар ва чет мамлакатлар билан мустақил дипломатик, консуллик, савдо-иқтисодий алоқалар қилиш ҳуқуқига эга бўлмоқда. Шу билан неча ўн йиллар давомида жумҳуриятимизнинг ташаббусини бўғиб келган, уни бошқа минтақаларнинг хом ашё бошмоғига айлантирган тоталитар тузумнинг сўнгги қолдиқлари нурай бошлади.

Эндиликда ҳаммага яхши маълумки, Иттифоқнинг пахта мустақиллигини таъминлаш учун Ўзбекистон фақат пахта етиштиришни кўпайтириш тўғрисида қайғуриши керак эди. Бошқа ҳамма нарсаларни унга марказ етказиб бериши керак эди. Вазиятнинг беқарорлиги жумҳуриятни оғир аҳволга солиб қўйди. Ўзбекистон барча соҳаларда бошқа минтақаларга қарам аҳволга тушиб қолди. Жумҳурият Фанлар академияси билан ҳам шундай вазият юз берди. Анча вақт давомида иқтисодий тузилмаларни барпо этиш ва миллий бойликларни тақсимлашда иқтисодиётнинг объектив қонунлари бузиб келинди, ишлаб чиқариш кучлари номутаносиб ривожланди.

Улкан илмий-техникавий имкониятга эга бўлган жумҳурият марказ томонидан берилаётган маблағнинг ҳаддан ташқари камлиги туфайли муҳим тадқиқотлар олиб боролмади. Бу эса фаннинг бир қатор соҳаларида ривожланишга тўсқинлик қилди.

Ўзбекистоннинг давлат мустақиллиги деганда жумҳуриятнинг ҳаммадан ажралиб, алоҳида яшаши тушунилмайди. Бундай бўлиши мумкин эмас. Зеро, ялпи интеграция ва давлатларнинг ўзаро боғлиқлиги шароитида бу жуда ҳалокатлидир. Ўзбекистон жумҳурияти давлат мустақиллигини эълон қилар экан, ўзаро фойдали ва тенгҳуқуқли, шу жумладан фан-техника ҳамкорлиги соҳасида ҳар қандай шартнома ва битимлар тузишга тайёрдир. Давлат мустақиллиги ҳақидаги ҳужжатлар жаҳон саҳнасида эркин демократик мустақил давлат — Ўзбекистон жумҳурияти пайдо бўлганлигини таъкидлайди.

Мустақилликнинг эълон қилиниши жумҳуриятимизнинг тўла мустақиллиги йўлида жуда муҳим, илк қадамдир. Бу ерда энг муҳими, иқтисодий фаровонликка эришишдир, шундагина чинакам мустақилликни амалга ошириш мумкин бўлади. Бу муаммони ҳал этишда фаннинг роли жуда катта, фан Ўзбекистон халқ хўжалигида технология даврига ўтишни таъминлаш лозим... Бу масъулиятли вазифани эса фан ўз ташкилий фаолиятида жиддий ўзгаришлар ясаб, янги ғояларга янада чуқурроқ ёндашиб, яккаҳокимликдан халос бўлган ҳолда Москва, Ленинград, Киев, Олмаота илмий марказлари билан мавжуд алоқаларни янада мустаҳкамлаб борган тақдирдагина ҳал этиши, жаҳон илмий ҳамжамиятининг таркибий қисми бўлиб қолиши мумкин.

М. САЛОҲИДДИНОВ,
Ўзбекистон Фанлар академиясининг президенти.

МАКТАБ ИСЛОҲОТИ ТАРАДДУДИДА

Мамлакатда ва республикада рўй бераётган мураккаб сиёсий жараёнлар, иқтисодиёт, саноат, илм-фан соҳасида дунёдаги етакчи давлатлар билан рақобат қилишга интилиш — мана шуларнинг ҳаммаси Ўзбекистон халқ таълимида кадрлар тайёрлаш соҳасида туб ислоҳотлар ўтказишни талаб қилади. Чет тилларни биладиган, хорижий мамлакатлар билан фаол ҳамкорлик қилиб, бозор иқтисодиётининг кўпгина муаммоларини ҳал этишда республикага кўмаклаша оладиган мутахассисларни тайёрлаш масаласи айниқса ўткир бўлиб турибди. Ўзбекистон Президент Кенгашининг аъзоси, Ўзбекистон Президенти ҳузуридаги Вазирлар Маҳкамаси Раисининг ўринбосари Э. Самандаровнинг Тошкентдаги 59-мактаб муаллимлари ва Ўзбекистон Республикаси халқ таълими вазирлигининг мутахассислари билан учрашувида ана шулар ҳақида гапирилди.

Хорижий шарқ халқларининг тиллари чуқур ўргатиладиган Тошкент мактабларида ҳам мана шундай учрашувлар бўлиб ўтди.

(ЎзТАГ мухбири).

1 СЕНТЯБРЬ — НЕФТЬ ВА ГАЗ САНОАТИ ХОДИМЛАРИ КУНИ



● Қашқадарё вилояти. «Шўртангаз» газ кончилиги бошқармасининг меҳнатчилари анъанавий байрамни муносиб кутиб олишмоқда.

СУРАТЛАРДА: 1. Марказий диспетчерлик пульти операторлари Е. Жигунова ва А. Равшанов. 2. Конденсат қурилмасининг иккинчи навбатининг кўриниши.

Б. ШАРОПОВ олган суратлар. (ЎзТАГ).

БАЙРАМ ШАРАФИГА

«Средазгазпром» бирлашмасининг жамоаси мамлакат бошидан кечираётган иқтисодий қийинчиликларга қарамай, ишлаб чиқариш суръатларини оширмоқда. 30 август куни Тошкентда Нефть ва газ саноати ходимлари кунига бағишлаб ўтказилган тантанали йиғилишда шулар айтилди.

Йиғилишда қатнашчилари мамлакат бошқа минтақалари билан анъанавий хўжалик алоқаларини сақлаш ва ривожлантириш, ижтимоий дастурларни бажариш муаммоларни ҳал этишнинг муҳим шарти эканини таъкидладилар.

Йиғилишда Ўзбекистон Президенти ҳузуридаги Вазирлар Маҳкамаси Раисининг ўринбосари К. Ж. Ҳаққулов қатнашди.

(ЎзТАГ).

БЎЛСИН, АЗИЗ ЮРТДОШЛАР!

Боқи РАҲИМЗОДА

Қадаҳ кўтарамиз дўстлар номига,
Сизлар қалбимизда қургансиз ошён,
Қуёш нур таратса Жаҳон томига,
Кўзлар гавҳарида дўстингиз аён.

Қора СЕЙТЛИЕВ

Туркман бошлагудек бўлса тўй базми,
Даврада янграйди Навоий назми.
Ўзбек хонадони тўй бошласа гар,
Унда Махтумқули сози жаранглар.

Сулаймон РУСТАМ

Мен сенга мафтуман йиллардан бери,
Менинг армонимда, тилагимда сен.
Ўзбек қардошининг дилбар шаҳари,
Туққан шаҳаримдай юрагимда сен.

Публицистика

ИСТИҚЛОЛНИ КИМ СЕВМАЙДИ?

МУСТАҚИЛЛИК (истиқлол)ни сиёсий, ижтимоий, иқтисодий ҳодиса деб тушунтиришади. Бу тўғри. Шулар билан бир қаторда мен мустақилликни асил маънавий ҳодиса деб ҳам биламан. Куч-ғайрати ошиб-тошиб ётган, ақли тўлишган, дунёнинг оқу қорасини таниган одамнинг бировга ёки алланарсаларга қарам ва тобе бўлиб яшашини тасаввур қилиш жуда қийин. Ақли-ҳуши жойида ва ўз-ўзига жавоб бероладиган, ўз-ўзини ҳимоя қилоладиган ва бошқаларни ҳам ҳимоя қилишга қодир бўлган одамнинг қарам ва муте бўлиб яшаши ўта кетган ғайритабиий ва ўта кетган ачинарли ҳол. Тўғри, одам боласи ўзидан кучлироқ, шарт-шароит тазйиқида маълум бир вақт шундай аянчли аҳволда яшаши мумкин. Буни тушуниш ва изоҳлаш мумкин. Лекин одам боласи шу ачинарли ҳолга, яъни мутеликка кўникиб кун кечира бошласа ва бу кўникиш одатий тусга кирса, яшаш тарзига айланса, буни энди асло-асло тушуниб бўлмайди.

Биз яқин ўтмишда шундай аҳволда эдик. Кўникиб яшаш мумкин бўлмаган нарсаларга кўникиб яшашга ўзимизни ўргатган эдик.

Биз сохта ақидаларнинг қулига айланган эдик. Тоталитаризм бизни келажаги йўқ, инсонят тараққиётининг табиий йўллари мутлақо инкор этган ақидаларга кишанлаб ташлаган эди. Кўникканлар шу ақида кундасига кишанланди, кўниқмаганларнинг тилла бошлари кунда устида кесилди.

Кишанлаш ва бош кесишдан ҳам ортиқроқ, даҳшатлироқ жиноят ҳам содир бўлди. Одам боласини ақидаларнинг қулига айлантириб, яна унга: «Сен бахтлисан! Сен ҳурсан! Сендан кўра эркинроқ, бахтиёрроқ кимса йўқ жаҳонда!» — деб миясига қўйилди. Ёлғончилик ёппа оғуга айланди. Ёлғонни сув каби ичиб юборган, ёлғондан тап тортмайдиган одамлар тоифаси пайдо бўлди. Ёлғонни сув каби ичиб юборадиган одамлар давлат тепасига найранглар ва зўравонликлар билан чиқиб олдилар. Давлат сиёсатининг асоси ёлғонга қурилди. Кетма-кет, устма-уст фожиалар қалашиб келаверди. Фожиаларнинг туб сабабларини ҳам ёлғон тушунтирдилар. Халқ қашшоқ, давлат қўрқинчли бўлиб қолди...

Ҳайрият, ёлғондан қутуладиган кунлар ҳам етди! Ўтмишимизнинг жуда аччиқ сабоқлари ҳақида очиқ сўйлашадиган соатлар келди.

Давлат учун мустақилликдан ҳам ортиқ қадрли нарса бўлмагани каби ҳар бир инсон учун озодликдан ҳам ортиқ қадрли нарса йўқ ва бундан кейин ҳам бўлмагай.

ДУНЁ кўз ўнгимизда шиддат билан ўзгариб боряпти. Қадим-қадим замонларда одамзод битта қувур ясаш учун ўн минг йил ақлини ишлатди. Лекин қувурдан тўп ясаш учун яна ўн минг йил керак бўлди. Лекин қувур ракетага айланиши учун кўз очиб юмгунча вақт кетди. Инсон пойқадами руҳимизнинг онаси Ойга етгандан бери аҳвол шундай. Ҳаёт ва тараққиёт жараёнлари янада тезлашади. Халқлар илгари минг йиллаб босиб ўтадиган йўлларини бугун бир дамда бошдан кечирмоқдалар. Бу маҳобат эмас. Кўз ўнгимизда бўлиб турибди.

Кечаги тўнтаришчилар худди мана шуни ҳисобга олмаганлар. Халқлар ва одамлар ўз тараққиёт йўлларида кечаги кунларидан жуда илгарилаб кетганликларини, энди уларни алдаб ва бинобарин, зўравонлик билан уларнинг бўйинларига бўйинтуруқ солиб бўлмаслигини ақлларига сиғдиролмаганлар.

Қанчалар лаззатли ва қанчалар олижаноб ҳодиса бу — мустақиллик! Мустақил яшашни бошқа халқлардан, бошқа мамлакатлардан узилиб яшаш деб бизни хўп лақиллатмоқчи бўлдилар. Қайси халқ қачон бошқа халқлардан узилиб, биқиниб яшаб яхши ҳаётга эришибди? Нега энди ўзбек халқи бошқа барча халқлардан узилиб яшасин? Ёки улардан бегонасирасин? Ёки улардан ўзини юқори қўйсин! Ёки ўзини пастга урсин?

Йўқ, биз энди дунёга чиқамиз. Бизнинг дунёга чиқишимиз бу кекса, серажин ва сертуғён дунёнинг кўҳна гўзаллигига фақат гўзаллик қўшади. Мен Англияда ҳам, Австралияда ҳам, Мисрда ҳам, Японияда ҳам ҳар ердаҳар ерда фарзандларимизни кўрганда: «Ана, ўзбек келаётир!» — деб танишларини истайман. Ва ўзбек келаётганда, ўз ақл-идроки, ўз истеъдод-қобилияти, ўз қараши, ўз такрорланмас олами билан келаётган бўлсин!

Истиқлол бу — кенг дунё билан алоқалардир. Фойдали ўзаро борди-келдилардир.

Мустақиллик майдони бу — ақл майдонидир. Мустақилликнинг ватани — ақлнинг ватанидир. Энди бизнинг дўппимизга ёки пахтамизга қараб эмас, ақлимиз ва қобилиятларимизга қараб баҳо берадилар.

Дунёнинг ҳамма эшиклари очилганда, ўзбек бу эшиклар рўбарўсида ўзини қандай тутаркин, қандай сезаркин?

Мустақиллик биздан миллий миқёсдаги барча жўн ва яроқсиз нарсаларни шиддат билан улоқтириб ташлашни талаб қилиши шубҳасиз. Яширмайлик, миллий миқёсда тор фикрлайдиган бўлиб қолганмиз. Қорин тўйдириш, тирикчилик ташвишларига ҳаддан ташқари ўралашиб, минг турли чилвирлар билан боғланиб қолганмиз. Тирикчиликни ҳеч ким биздан тортиб олмайди ва уни ҳеч нарса бошимиздан соқит қилмайди. Мустақиллик бу — бизнинг чин миллий инқилобимиз. Инқилоб эса биздан, ҳар бир ўзбекдан, ҳар бир ўзбек хонадонидан ва ҳар бир ватандошимиздан кундалик тирикчилик ташвишларидан поғонапоғона юқорироқ кўтарилишимизни қатъий талаб қилади. Истиқлол маънавиятимизни ҳам, маданиятимизни ҳам, иродамиз ва қуқудратимизни ҳам жиддий синовдан ўтказади.

Ўзбекистон деган суюкли диёрни четдан ҳеч ким келиб қуриб бермайди. Биз ўзимиз қурамиз. Биргалашиб қурамиз. Майда низоларсиз ва турли даъволарсиз қурамиз. Айтсинлар: ўзбеклар ўз ўлкаларини боплаб қурибдилар десинлар. Шундагина атрофимиздаги барча халқларнинг ҳурматини қозонамиз. Ҳурмат қозонмоқ эса буюк неъматдир.

Яна ўзимга ўзим тўхтовсиз савол бераман: Мустақиллик нима?

МУСТАҚИЛЛИК бу иш, яна иш ва яна иш... тинимсиз иш, дейман. Лекин бу ишларнинг олдинги ишлардан кескин фарқи бор: бу чарчатмайдиган, оздирмайдиган иш. Тинимсиз ўстирадиган, юксалтирадиган ва камол топтирадиган иш.

Қанча-қанча одамлар керак эди Ўзбекистон давлатига. Дарҳол дипломатия мактаблари очмоқ керак. Болаларни дарҳол компьютерларга ўтказмоқ керак. Илм-ҳунарнинг барча соҳаларини оёққа турғазмоқ керак. Энди ўзбекни танитадиган одамлар олдинга чиқсинлар. Халқнинг бошини ва барча Ўзбекистон фуқароларининг бошини улуғ ва олижаноб ишларга қовуштирсинлар.

Мен ўз мустақиллигига эришган халқим дунёга омилкор ва маърифатли халқ сифатида чиқишини истайман.

Иброҳим ҒАФУРОВ,
Ҳамза номидаги республика Давлат мукофоти совриндори.

● Она диёримиз тупроғи зар, ери саховатли...

Эркин ВОҲИДОВ

Тарихингдир минг асрлар
Ичра пинҳон, ўзбегим,
Сенга тенгдош Помиру,
Оқсоч Тиёншон, ўзбегим.
Сўйласин Афросиёбу
Сўйласин Урхун хати,
Кўҳна тарих шодасида
Битта маржон, ўзбегим.

Ўзбегим деб кенг жаҳонга
Не учун мадҳ этмайин!
Узлигим билмоққа даврим
Берди имкон ўзбегим.
Мен буюк юрт ўғлидурман,
Мен башар фарзандиман,
Лекин аввал сенга бўлсам
Содиқ ўғлон ўзбегим.

БУ ШУНДАЙ ТУЙҒУКИ...

Ниҳоят, 20 миллионли ўзбек халқи қалби тўрида асраб-авайлаб келган муқаддас орзуси рўёбга чиқди — Ўзбекистон ҳур, озод, мустақил республика деб эълон қилинди.

Бу кун ҳаммамиз учун элимизнинг азиз байрами куни бўлиб қолади. Бутун жумҳурият аҳли қатори хоразмликларнинг ҳам қувончи бир олам. Жумҳуриятни мустақил деб эълон қилган Олий Кенгаш сессияси қарорларини ҳамма жон дили билан маъқулламоқда.

Мустақиллик ҳавоси жуда ҳам тотлидир. Озодлик халқимизнинг моддий турмуш шароитини яхшилаш, иқтисодиётимизни тубдан қайта қуриш ва изга солиш учун кенг истиқболлар беради, албатта. Хоразм вилоятида мана шу йўлда бир қанча амалий ишлар қилиняпти, бу тадбирлар оддий меҳнат кишисининг турмушини бадастир этмоқда. Аҳолини доимий иш билан таъминлаш соҳасидаги ишлар ана шулар жумласидандир.

Бозор иқтисодиётига ўтиш жараёни ўзининг ижобий жиҳатлари билан бирга салбий қирраларини ҳам кўрсатди. Расмий маълумотларга қараганда, ҳозир вилоятимизда 32 мингга яқин ишсиз бор. Партия ва совет ташкилотлари энг қалтис бўлган бу муаммони ҳал этиш учун қўлидан келган ҳамма ишларни қилмоқда. Район марказлари, давлат ва жамоа хўжаликларида кичик ва қўшма корхоналар вужудга келяпти, фермер хўжаликлари кўпаймоқда. Ана шундай тадбирлар сабабли биз ишсизликнинг ўсиб бориш суръатини фақат тўхтатибгина қолмай, уни анчагина камайтиришга ҳам эришдик. Биз бундан кейин ҳам шу йўналишда қатъий режалар асосида иш олиб бораверамиз.

Мустақиллик—дилимиздаги орзу эди. Мана шу орзуга етганимиз ҳақида баралла айтаяпмиз. Бироқ, жумҳуриятимизда шундай муаммолар ҳам борки, уни ҳал этиш учун биринчи кунданоқ киришмоқ зарур. Орол фожиаси муаммолари ана шулар жумласидан. Хоразм Орол минтақасига киради. Амударёдан сув ичади. Биз Марказнинг шу соҳада бирор тайинли иш қилишини узоқ йиллар давомида кутдик. Бироқ бу ҳудудда одамлар касалланиб, ўлиб кетаётгани, соҳил халқи ҳалокатга йўлиқаётгани тўғрисидаги илтижомизни ҳеч ким эшитмади, тўғрироғи эшитгиси ҳам келмади. Ҳатто КПСС XXVIII съездида Орол минтақасига ёндош беш республика вакилларининг шу фожиага доир резолюция қабул қилиниши учун қанчаданқанча уринишлари бефойда тугади. Съезд қарорларига ҳеч бўлмаса бирорта керакли сатр киритиш учун кўп қийинчиликларга дуч келинди. Ўйлайманки, мустақил республикамиз биринчи кунданоқ бошқа қўшни жумҳуриятлар билан бирга ана шу йўналишдаги амалий ишни давом эттиради.

Кейинги вақтда Орол ҳалокати келтириб чиқараётган экологик муаммолар қаторига янада жиддийроқ муаммо ҳам қўшилди. Ўтказилаётган илмий-тадқиқотлар вилоятдан юқоридаги ҳудудлардан Амударёга ҳар йили 4 миллиард куб метрдан кўпроқ турли хил химикатларга тўйинган оқава сувлар қуйилаётганини тасдиқлади. Вилоятимиз ана шу сувни ичаётгани сабабли аҳолининг 80 фоиз қисми турли хил касалликларга чалинган. Бунинг устига ҳар хил захарли дориларга, тузларга тўйиниб, ернинг мадори ҳам кетиб боряпти, боғ-роғлар қуриб, аста-секин йўқолмоқда. Биз ушбу муаммони ҳал этишнинг ягона йўли Амударёнинг ўнг қирғоғи бўйлаб, коллектор қуриш ва уни Орол денгизига қадар давом эттиришдан, шаҳар ва қишлоқларни тоза ичимлик сув билан таъминлаш учун республика миқёсида зарур тадбирлар белгилаб, уни зудлик билан амалга оширишдан иборат эканлигини яхши тушунамиз.

Вилоят миқёсида зудлик билан ҳал этилишини кутаётган муаммолардан яна бири — ернинг тақчиллигидир. Ҳозир Хоразмда 1 миллиондан кўпроқ киши истиқомат қилади. Умумий экин майдонлари эса 212,5 минг гектардан иборат. Ана шу икки рақамни таққослашнинг ўзи ҳам бу ерда ер нечоғлик тақчил бўлиб қолганлигини яққол акс эттиради. Киши бошига 8—10 сотихдан экин майдони тўғри келиши устига аҳоли сони йилдан-йилга ўсиб боряпти. Хўш, бу соҳадаги аҳволни бироз бўлсада тузатишнинг қандай йўллари бор? Область кенгаши масалани ижобий ҳал этиш учун экин майдонларидан самарали фойдаланиш, ҳосилдорликни ошириш, имкони бўлган жойларда янги ерлар очиш вазифасини кун тартибига қўймоқда.

Мустақиллик туйғуси хоразмликларни ғоят руҳлантирмоқда. Улар хўжаликнинг ҳамма соҳаларида баракали меҳнат қилиб мўл-кўл маҳсулот етиштириш учун отланганлар. Зеро, самарали меҳнатгина мўл-кўлчиликни вужудга келтиради.

А. ИСКАНДАРОВ,
Хоразм вилояти ижроия қўмитасининг раиси, Ўзбекистон республикаси халқ депутати.

«Совет Ўзбекистони»— «Ўзбекистон овози»

Азиз муштарийлар!

БИРИНЧИ СЕНТЯБРЬ Ўзбекистон тарихига зарҳал ҳарфлар билан ёзилиб, унинг саҳифаларидан абадулабад ўрин олади. Ўзбекистон ССР Олий Кенгашининг кеча бўлиб ўтган навбатдан ташқари тарихий сессияси ўзбек халқининг эзгу орзу-умидларини ифодалаб, Ўзбекистоннинг мустақиллиги тўғрисидаги Қонунни қабул қилди. Қадимий, биз учун ҳамиша азиз бўлган она диёримиз бундан буён Ўзбекистон Республикаси деб аталади. Бу мужда республикамиз аҳлини ғоят тўлқинлантириб юборди. Қалбларга беҳад қувонч, шукуҳ, ифтихор бахш этди. Ўлкамизнинг янги номи она алласидек ёқимли янграмоқда. Ҳар бир интиққан қалбга шукроналик бахш этмоқда.

Азиз муштарийлар, ўзингизга маълум, рўзномамиз, етмиш уч йилдирки, республикамиз билан ҳамнафас, ҳамдард, ҳамкор бўлиб келмоқда. У 1918 йилда «Иштирокиюн» номи билан чиқа бошлаган бўлса, 1920 йилга келиб «Қизил байроқ»қа айланди. 1923 йилда «Туркистон», 1924 йилда «Қизил Ўзбекистон» номларини олди. 1964 йилдан бошлаб эса «Совет Ўзбекистони» деб аталди. Бу — давр талаби, ҳаёт инъикоси, республикамизда юз берган сиёсий, ижтимоий-иқтисодий, маданий ўзгаришлар тақозоси эди.

Ҳаёт тобора илгарилаб бормоқда. Яқиндагина қонуний бўлиб туюлган ақидалардан, ҳар қандай «...изм»лардан ва ҳамиша оёқ-қўлимизни чандиб ташлаган, ёшини яшаб ўтган сафсатабозликдан иборат мафкуралардан воз кечмоқдамиз. Жуда кўп сонли муштарийларимизнинг анчадан бери билдириб келаётган таклиф ва истакларини инобатга олиб ҳамда рўзнома муҳарририяти жамоасининг қалб амрига мувофиқ, бугундан бошлаб «Совет Ўзбекистони» номини ҳам ўзгартиришга, уни **«ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ»** деб аташга қарор қилдик. Ниятимиз — у бутун ўзбек халқининг, миллати, ирқи, диний эътиқодидан қатъи назар, жумҳуриятимизда яшовчи барча кишиларнинг, овози бўлсин! Имонимиз комилки, бу овоз мустақилликка мушарраф бўлган Ўзбекистоннинг эришажак даври-давронини, маърифатли дунёда ўз муносиб ўрнини эгаллайдиган халқимизнинг равнақини бутун оламга танитади.

Ниятимиз — рўзномамизнинг мундарижаси ва мазмунига янги давр руҳини сингдириш, уни янада халққа яқинлаштириш, чинакам халқ овозига айлантиришдир. Ҳозирги мураккаб шароитда халқни ижтимоий ҳимоялаш— партиямизнинг бош муддаосидир. Зеро, халқ режалари — партия режаларидир. Уларни амалга ошириш учун ҳаммамиз бир ёқадан бош чиқариб, енг шимариб, аҳиллик, ҳамжиҳатлик билан ишлайлик. Бу — Ўзбекистоннинг ҳам сиёсий, ҳам иқтисодий мустақиллигини тўла-тўкис таъминлаш гаровидир.

Азиз муштарийлар! Шу қутлуғ кунда умид қиламизки, рўзнома билан алоқаларингиз янада мустаҳкамланади. Чунки сиэлар бизнинг ишонган боғимиз, суянган тоғимиэсиз. Сизларнинг қимматли таклиф ва истакларингиз, амалий маслаҳатларингиз фаолиятимиз йўналишини белгилайди, илҳом бағишлайди. Бинобарин, сизларнинг овозингиз «Ўзбекистон овози»дир.

Азиз муштарийлар! Рўзномамизни хонадонингизда қадрдон меҳмондек, беминнат маслаҳатчи, холис дўст, ҳамсуҳбат сифатида қабул қиласиз. Бундан биз халқ билан бевосита иш олиб бораётган жойлардаги сардорлар, алоқа бўлимлари раҳбарлари, жамоатчи тарқатувчилар, жамоаларнинг фаоллари ўз ёрдамларини дариғ тутмайдилар, деб ишонамиз.

Мустақиллик куни — умумхалқ байрамингиз муборак бўлсин!

«ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ»НИНГ ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ

ҚАДАМИНГ ҚУТЛУҒ БЎЛСИН

Мен тўрт ўғил, тўрт қизнинг онасиман. Ўнлаб набираларнинг бувисиман. Уларни оёққа қўйишнинг ўзи бўлгани йўқ, албатта. Бирдан бир тилагим шу эди: фарзандларим мустақил инсон бўлиб камолга етишсин. Яъни ўзларини-ўзлари эплашса, қўлларидан келмаган ишлари қолмаса. Ниятим холис экан. Армоним қолмади. Ўғилларим ҳам, қизларим ҳам минг қатла шукр бир-бировларидан кам эмаслар.

Юртимизда бундай қобил фарзандлар кўп. Улар биринчи навбатда ўзлари вояга етган, камол топган она ҳовлилари, ота ҳовлиларига раҳмат ёғдирадилар.

Шундан келиб чиқиб айтаманки, мустақилликда гап кўп экан. Очиғини айтганда, гап бир ёки бирмунча оилаларнинг мустақиллиги ҳақида эмас, балки жонажон Ўзбекистонимизнинг мустақиллиги ҳақида бораётган бўлса буни қутламай бўладими?!

Эзгуликнинг эрта-кечи йўқ. Хайрли иш учун босган ҳар бир қадаминг қутлуғ бўлсин, азиз юртим. Ўлкамизнинг равнақи учун биринчи навбатда кўзимнинг оқу-қароси фарзандларимнинг ҳозиру-нозир бўлишга чақираман. Юртимиз чиройини очиш учун сира хордим деманг, болаларим! Бу шундай бир ўлкаки, унинг тупроғида дур унади, дур.

Сизнинг хотиржам меҳнат қилишингиз учун республикамизда осойишталик бор, барқарорлик бор, дўстлик, ҳамкорлик бор. Буни қўлдан бой берманг, ундан яхшилик учун, ёрқин келажак учун фойдаланаверинг.

Мавжуда ҚОСИМОВА,
кўп болали она, Тошкент шаҳри.

Мерос

УЗУККА КЎЗ ҚЎЙГАНДЕК

Ўзбекистон Халқ таълими вазирлигининг ўқитувчилар малакасини ошириш ва қайта тайёрлаш Марказий институти Абдулла Авлоний номи билан аталадиган бўлди.

Ўзбек олими, шоири, драматурги ва жамоат арбоби А. Авлоний 16 ёшидан матбуотда шеърлари билан қатнашган. У араб, форс, рус тилларини пухта ўрганиб, бу тилларда ёзган мутафаккирларнинг асарларини қунт билан ўрганган. 1907 йилда А. Авлоний Тошкентда ўз уйида «Шуҳрат» номида босма рўзнома нашр этди. Рўзнома темир йўл ишчиларининг инқилобий қўмитаси билан яқиндан алоқада бўлган. Чор ҳукумати унинг босмахонасини ёпгач, кўп ўтмай яширин равишда яна «Осиё» деган рўзнома чиқарган. Бу рўзнома ҳам ёпилгач, Абдулла Авлоний илғор ғояларни мактаб орқали халққа етказишга интилди. Янги усулда мактаб очиб она тили ва адабиётидан дарс берган, кейинчалик мактаблар учун дарслик ва қўлланмалар ёзишга киришди.

Олимнинг янги мактаблар учун ёзган қўлланма ва ўқиш китобларида илмли ва маърифатли бўлишга, техникани эгаллашга ундарди.

Абдулла Авлоний 1918 йили «Иштирокиюн» (ҳозирги «Ўзбекистон овози») рўзномасини ташкил қилишда қатнашди ва унинг муҳаррири бўлди. У 1919 йилда Туркистон Муваққат жумҳурияти Миллий масалалар халқ комиссарлиги ва Адлия халқ комиссарлигининг ҳайъатига аъзо бўлиб кирди, сўнгра Афғонистонда Совет ҳукуматининг сиёсий вакили ва консули бўлиб ишлади. А. Авлоний мактабларни очиш, халқни саводхон қилиш, хотин-қизларни ўқитиш, ўқитувчилар ва зиёли кадрлар тайёрлаш ишлари бўйича шуғулланганди. У эски шаҳардаги хотин-қизлар ва эрларнинг маориф билим юртларида мудир, В. И. Ленин номидаги Тошкент ҳарбий мактабида ва Ўрта Осиё Коммунистик дорилфунунида ўқитувчи бўлиб ишлади. У ўзбек мактабларининг 7-синфи учун «Адабиёт хрестоматияси» тузди. 1920—30 йилларда етишган ёзувчи ва ўқитувчиларнинг кўпчилиги Абдулла Авлонийнинг шогирдларидир.

Ўқитувчилар малакасини ошириш ва қайта тайёрлаш Марказий институти аллома Абдулла Авлоний номи билан аталиши узукка кўз қўйгандек бўлди. Янги ўқув йилидан бошлаб бу ерда таҳсил оладиган муаллимлар Абдулла Авлоний меросини ҳам қунт билан ўргандилар.

П. МИРЗАЕВ.

• *Тошкент—мустақил Ўзбекистон пойтахти*

Ўзбекистон ва жаҳон

ЭЛНИ БИЛМОҚ— ДИЛНИ БИЛМОҚ

Ҳар қачонким кемага ул ой сафар рахтин солур,
Мавжлуғи дарё кабн ошуфта кўнглум қўзғолур.
Алишер НАВОИЙ.

Элни элга танитмоқ, дилни дилга пайванд этмоқ олийжаноб ва савобли мақсаддир. Бу борада Ўзбекистон Чет эллар билан дўстлик ва маданий алоқалар жамияти томонидан амалга оширилаётган қатор ишлар диққатга сазовор.

Жумладан, жумҳуриятимиз ҳаётига алоқадор номлар билан аталувчи кемаларда олиб борилаётган тадбирлар айниқса хайрлидир. Турли мамлакатларга сузувчи кемалар воситасида Ер куррасидаги бошқа халқлар билан Ўзбек халқининг дўстлик ва маданий алоқаларини мустаҳкамлаш, қуёшли диёримиз одамларининг турмуши, урф-одатлари, санъати, адабиёти, маиший ҳаёти ҳақида маълумот бериш, ўзаро ишончни мустаҳкамлаш, ҳамкорликни кучайтиришдек эзгу ишга ҳисса қўшиш айниқса мароқлидир.

Ҳозирги кунда чет элларга сузувчи 18 та теплоход ва параходлар Ўзбекистонга алоқадор номлар билан аталмоқда. Олтмишинчи йилларнинг биринчи ярмидан то бугунгача бўлган чорак аср мобайнида айниқса оталиққа олинган ташкилотлар билан денгиз кемаларининг жамоалари ўртасида жуда кўп байналмилал анъаналар барқарорлашди. Аввало, шуни айтиш керакки, «Ўзбекистон», «Марғилон», «Оқтош», «Садриддин Айний», «Алишер Навоий», «Ҳамза», «Бухоро» сингари теплоходлар ҳар йили ўнлаб чет эл бандаргоҳларида бўладилар. Дўстлик жамиятининг раҳбарлигида оталиқ корхоналар ва ташкилотлар ҳамда жамоатчилик мазкур кемаларга жумҳуриятимиз ҳаётидан ҳикоя қилувчи фотоальбомлар, китоблар, кинофильм лентали ҳамда кундалик матбуот материалларидан мунтазам юбориб турадилар. Кемаларда меҳмон бўлган чет элликлар эса ана шу манбалар асосида Ўзбекистон ҳақида озми-кўпми маълумотга эга бўладилар.

Кемаларда махсус кутубхоналар ҳам ташкил этилган бўлиб, буларда қатор рўзномалар ва ойномаларнинг янги сонлари билан кенгроқ танишиш имконияти бор. 1985 йилда сувга туширилган «Қўқон» кемасига ўша йилиёқ 30 нусхада фотосуратлар, плакатлар юборилди. «Дўсти» теплоходи эса 197 нусхада 9 ном билан аталувчи турли соҳаларга оид адабиётларга эга бўлди. Шунингдек, кўплаб теплоходларда «Ўзбекистон кунлари» ўтказиш барқарор анъанага айланган.

Жаҳон уммонида сузиб юрган теплоходлардан бир нечтаси ўзбек халқнинг таниқли адиблари номи билан аталади. Шулардан бири «Алишер Навоий» теплоходи бўлиб, у 1969 йилда сувга туширилган эди. Ушбу улкан денгиз кемаси Владивосток-Иокосука— Сингапур — Сидней — Сан-Франциско маршрути бўйлаб сузади. Кема саҳнида 1975 йилдаёқ оталиқ ташкилотлар ёрдами билан махсус музей ҳамда улуғ мутафаккир Алишер Навоий ҳаёти ва ижоди ҳақида анча батафсил ҳикоя қилувчи адабий бурчак ташкил этилган. Ўзбекистон Фанлар академияси ҳамда Алишер Навоий номидаги Адабиёт музейи ташаббуси билан кемага улуғ шоирнинг рус тилида нашр этилган 10 томлик асарлари, ҳаёти ва ижоди ҳақида муфассал маълумот берувчи монография ва тўпламлар юборилди. А. Навоий номидаги Пионерлар уйи теплоходга шоир портретини совға қилди. Чет элликларга намойиш этиш учун «Ўзбекфильм» киностудиясида суратга олинган «Алишер Навоий» бадиий фильми кема экипажига ҳадя этилди. Ҳозирги кунда Алишер Навоийга бағишланган махсус адабий бурчакдан ўзбек классик адабиётига оид ўзбек, рус, чет тилларидаги нодир асарлар. Шарқнинг буюк мутафаккири ҳаётини акс эттирувчи альбомлар, рўзнома ва ойномалар, рисола ва китоблар кенг ўрин олган. Кўзга яққол ташланадиган жойга эса Алишер Навоий портрети ўрнатилган.

Горький областидаги «Ока» кемасозлик заводи томонидан барпо этилган ва 1982 йилнинг март ойида сувга туширилган «Ҳамза» теплоходининг юксиз вазни 2500 тонна бўлиб, 5,500 тоннагача юк олади. У СССР—Франция—Италия, Дания — Швеция — Норвегия халқаро маршрути бўйлаб сузади. Кема сувга туширилган йилиёқ унда «Ҳамза бурчаги» ташкил этилди. «Ҳамза» кемаси қатнайдиган мамлакатларнинг халқлари ўзбек халқининг шонли фарзанди тўғрисида анча мукаммал маълумотлар олиш имкониятига эга бўлишди. Кема саҳнида Ҳамза Ҳакимзоданинг умр йўли, бой ижодий мероси ҳақида ҳикоя қилувчи турли манбалар ҳам диққатга сазовор.

Ҳаҳон уммонида сузиб юрган яна бир ватандошимиз — «Садриддин Айний» теплоходи адиб таваллудининг 100 йиллиги муносабати билан Новашин кемасозлик заводида қурилган ҳамда 1979 йилда сувга туширилган. Муҳташам ва салобатли мазкур теплоходнинг узунлиги 124 метрни, эни эса 16 метрни ташкил этади. Қудрати ҳам шунга яраша, тезлиги соатига 13 узел (денгиз ўлчови), портларга кирмасдан 6 минг миль масофани босиб ўта олади. У Қора денгизда, Азов ҳамда Ўрта Ер денгизларида сузади.

Кема экипажининг сайъи-ҳаракатлари, жумҳуриятимиз жамоатчилигининг ташаббуси билан «Садриддин Айний» теплоходида адибнинг меморнал музейи ташкил қилинди. Музей 1981 йилдан буён адиб ҳаёти ва ижоди билан қизиқувчиларга, адабиёт ва санъат ихлосмандларига хизмат кўрсатиб келмоқда. Мемориал музейда Садриддин Айнийнинг «Қуллар» романи, «Етим», «Судхўрнинг ўлими» сингари кўплаб асарлари ўрин олган, бу асарларнинг қардош халқлар тилларидаги, шунингдек, чет элларда нашр этилган нусхалари мавжуд.

Бошқа кемаларнинг фаолияти ҳақида ҳам айнан шу тарзда ҳикоя қилиш мумкин. Лекин улардан кўзланган мақсад ягона. Улар воситасида турли халқлар билан иқтисодий, сиёсий, маданий алоқаларимизни янада жонлантиришнинг катта имкониятларидан самарали фойдаланмоғимиз зарур. Зеро, дўстлик ва тинчлик элчилари бўлишдек эзгу ишга ўз фаолиятини бахшида этган мазкур кемаларимизнинг сафарлари ҳамиша бехатар бўлсин.

Ҳ. ЖУРАЕВ,
Фарғона вилоят дорилфунуни ўқитувчиси.
Ш. ҲАЙИТОВ,
дорилфунун аспиранти.

ҚЎШМА КОРХОНА ИШГА ТУШИРИЛДИ

Андижон вилояти Италия билан амалий алоқа боғлади. Италиядан 5 нафар ишбилармон муҳандис — қурувчи: Эрнес Альфери, Джан Карло Кагосси, Паоло Бролетто, Паоло Борнаун, Яню Зази бу ерга ташриф буюрди.

Уларни Андижон мева ва сабзавотни қайта ишлаш саноати бошқармаси таклиф қилган. Ўзаро келишувга мувофиқ Хўжаобод хўжаликлараро механизациялашган кўчма колонна жамоаси ва бошқа қурувчилар италиялик ишбилармонлар билан бирга Куйганёр консерва заводини қуришга киришдилар. Улар бир йилда заводнинг биринчи навбатини қуриб битказишга ваъда беришган. Қурилишда Куйганёр темир бетон буюмлари заводи жамоаси, Энгельс номли, «Ямбол», Ленин номли давлат хўжаликлари, маҳаллий саноат комбинати жамоалари ҳам фаол қатнашмоқдалар.

Қўшма корхона Италия технологияси воситалари билан жиҳозланяпти. Бу тўла қувват билан ишга тушганда кунига ўртача 960 тонна помидорни қайта ишлайди. Яқинда янги корхона 150 нафар ишчини ўз бағрига олди. Энди Андижон консерва заводига помидор топшириш осонлашади.

Бошқа консерва заводларида тайёрланган томат асосан 3 килограммли шиша идишларга қуйиларди. Куйганёр консерва заводида ҳозир ишлаб чиқарилган томат 200 килограммлик темир идишларга қуйилянти. Кейинчалик уни 30, 50, 100 граммли шиша идишларга солинади. Бу — рўзғорда ишлатиш учун жуда қулай.

Ҳар икки томонга манфаатли қўшма корхона маҳсулоти чет мамлакатларга ҳам сотилади. Келгуси йилда заводнинг иккинчи навбати ва темир банка ишлаб чиқарадиган цехи қурилади.

Умуман, Андижон вилоятида помидор қабул қилиб қайта ишлайдиган 60 та кичик корхона ишлаб турибди. Улар тўла қувват билан ишласа йилига 4,5 минг тонна помидорни қайта ишлаши мумкин.

А. ҚУРОНБОЕВ,
«Ўзбекистон овози»нинг махсус мухбири.

Санъат—халқники

МАҚОМЧИЛАР ТАНЛОВИ

Қарши шаҳридаги «Нуроний» отахонлар чойхонасида қадимий мақом тароналари янгради.

Бу ерда Қашқадарё вилоятида биринчи марта мақом дасталарининг кўрик танлови ўтказилди. Қалблари қўшиққа ошифта кекса отахонлар, мунис онахонлар санъаткорларни олқишладилар.

Шаҳрисабз шаҳар маданият уйи, Қарши шаҳар маданият уйи ҳузуридаги «Тарона», Чироқчи маданият уйи, Қарши районидаги «Ленинизм» совхозининг «Чўлиобод» халқ дасталари мақом тароналари томошабинларда яхши таассурот қолдирди.

Кўрик танлов якуни чиқарилди. Шаҳрисабз шаҳар маданият уйининг мақомчилар дастаси кўрик танлов ғолиби бўлди.

М. КАРОМОВ,
«Ўзбекистон овози»нинг махсус мухбири.

«Бойсун» фольклор-этнографик халқ дастасининг иштирокчилари довруғи мамлакатимизда эмас, балки жаҳонга ҳам кенг таралган.
В. МЕЛЬНИКОВ олган сурат (ЎзТАГ).

Футбол

КУЧЛАР ТЕНГ КЕЛДИ

Жумҳуриятимиз пойтахтидаги марказий ўйингоҳ — «Пахтакор»да ўтган шанба куни беллашган жамоанинг бу йилги мавсумдаги мақсадлари ўзига хос эди: Москва армиячилари СССР биллур совринги қаторига мамлакат чемпионлари унвонини қўшишни орзу қилишмоқда. Майдон эгалари эса кучлилар сафида қолиш учун қўлдан келган имкониятни сафарбар этишяпти. Шу боис уларнинг учрашуви қизғин ўтиши олдиндан кутилди.

Москва армиячиларининг пахтакорчилар билан ўйинлари ҳисоб-китобига назар ташласак, деярли тенг кўрсаткичларни кўрамиз. Олий лигада «Пахтакор» ўз рақибини 12 бор енгган, 13 учрашувни дуранг натижа билан якунлаган, 14 учрашувда эса мағлубиятга учраган. Тўплар нисбати эса москваликлар фойдасига: 58:41

Бу учрашувда пахтакорчилар таркибида қисман ўзгаришлар бўлди: Дарвозани Ю. Перескоков қўриқлади, қанот ҳимоячиси сифатида Р. Узоқов майдонга тушди. Биринчи лигадаги ўйинларда қатнашган О. Синелобов ярим ҳимоячилар сафига қўшилди.

Учрашувнинг 90 минути давомида ишқибозлар ёдда қоладиган ҳаяжонли дақиқалар оз бўлди. Ҳимоячилар ҳужумчилардан устун чиқишди, дарвозабонлар эса тўп ўтказишмади. Ўйингоҳ таблосидаги 0:0 ҳисоби ўзгармай қолди.

Москва армиячилари ва пахтакорчилар ўз ҳисобларига биттадан очко ёзиб қўйишди. Карвонбоши меҳмондаги ўйиндан бир очко олганлиги билан хушнуд бўлса, майдон эгалари учун икки очко ҳаводек зарур эди. Олий лигани тарк этмаслик учун ҳамюртларимиз қолган ўйинларни баҳамжиҳат ўтказишлари керак. Шунда мухлисларнинг ишончи оқланади.

Ҳ. СУЛТОНОВ.

ПЎЛАТ ИЗЛАР ОҚИМИ

Ўрта Осиё темир йўли бошқармасининг Собир Раҳимов районидаги 14-из пайвандлаш корхонаси жамоаси йил бошидан буён тайёрлаган маҳсулоти узунлиги 100 километрдан ошиб кетди.

Корхонанинг маҳсулотлари бошқарманинг Тошкент, Фарғона, Бухоро, Душанбе ва бошқа бўлимларида эскирган изларни алмаштириш учун ишлатилади.

Эскирган изларни янгисига алмаштириш халқ хўжалиги юклари ортилган ва йўловчилар тушган поездларни манзилларга бехатар етиб боришида ва темир йўлда техника хавфсизлигини сақлашда катта аҳамиятга эга.

Узун ҳажмли пўлат изларни пайвандлашда, уларни темир йўл тармоқларига етказиш ва туширишда корхона ишчиларидан пайвандловчи Б. Адиев, П. Грешков, механиклардан А. Восиқов, В. Ермаков, З. Рисқиев ва бошқалар смена топшириқларини ортиғи билан сифатли адо этмоқдалар. Корхона шу йилнинг ўзида Ўрта Осиё темир йўли тармоқлари учун 200 километрга яқин пўлат из тайёрлаб беради.

И. МУСЛИМОВ.

Бош муҳаррир Р. РАҲМОНОВ.

Рўзнома таҳрир ҳайъати: Ҳ. ИКРОМОВ, Н. М. МАЖИДОВ, С. МУҲАММАДЖОНОВ, М. Қ. МУҲСИМОВ (бош муҳаррир ўринбосари), Т. Н. НАЖМИДДИНОВ (бош муҳаррир ўринбосари), В. Т. ОДИЛОВ, М. Қ. ПИРМАТОВ, Р. Қ. ТУРСУНОВ, Я. ТУХТАЕВ, Ш. О. УБАЙДУЛЛАЕВ, М. ХАЙРУЛЛАЕВ, Ж. ХОЛҚОСИМОВ, Э. С. ХУЖАЕВ (масъул котиб), М. ШЕРБУТАЕВ, О. ҲИКМАТОВ.

БИЗНИНГ МАНЗИЛГОҲИМИЗ: *700000, Тошкент-ГСП, Ленинград кўчаси, 32.*

БЎЛИМЛАР: муштарийлар фикрини ўрганиш ва хатлар — 33-21-43, 33-54-55, 32-53-16, 32-53-21, 33-11-49, 32-54-06; қайта қуриш ва ижтимоий адолат — 32-55-70, 32-53-20; партия турмуши, советлар ҳаёти, назария ва мафкура — 33-36-69, 33-38-55, 32-53-97, 32-57-19, 32-54-18; саноат, қурилиш ва транспорт — 33-47-80, 33-81-48, 32-53-14, 32-54-09; деҳқончилик саноати — 33-76-04, 33-07-20, 32-53-15, 32-53-70; иқтисодиёт ва ҳаёт — 33-12-16, 32-57-20; фан, маданият ва халқ таълими — 33-44-51, 32-57-21; адабиёт, санъат, тил ва публицистика—33-20-36, 33-12-56, 32-54-35,32-55-16; ахборот, спорт ва ҳарбий ватанпарварлик — 33-14-24, 32-55-17; ахлоқ-одоб — 32-54-29; фельетонлар — 32-54-27; безатиш — 32-57-22.

ЎЗ МУХБИРЛАРИМИЗ: Андижонда — 4-48-85, Бухорода —3-96-12 Гулистонда — 2-63-48, Жиззахда — 3-31-86, Қаршида — 3-25-79, Наманганда — 6-54-11, Нукусда — 2-42-62, Самарқандда — 35-22-90, Тошкентда — 32-53-20, Урганчда — 6-80-04, Фарғонада — 6-90-89.

«ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ» («ГОЛОС УЗБЕКИСТАНА»)
Орган ЦК Компартии Узбекистана

Нашр кўрсаткичи 64583.
Буюртма № 5811.
Босишга топшириш вақти — 21.00.
Босишга топширилди—24.30.

№ 170.

● Ўзбекистон Компартияси Марказий Қўмитаси нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмахонаси. 700000 Тошкент ГСП, Ленинград кўчаси, 32. Рўзнома офсет усулида А—2 форматида босилади. ●

1 2 3 4 5 6 7 8 9 10 11 12